

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИАТИ

Абдужамитова Мафтуна Бахридин қизи

Тошкент давлат юридик университети “Жиноят қонунчилигини қўллаш назарияси
ва амалиёти соҳа мутахассилиги” магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8077008>

Аннотация: Ушбу мақолада терговга қадар текширув тушунчаси моҳияти унинг мақсад ва вазифаларига тўхталиб ўтилиб миллий қонунчилик ҳужжатлари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тергов терговга қадар текширув, жиноят процессуал қонунчилиги .

Дунё ҳамжамиятидан бизга маълумки, жамият ва давлатда инсонпарварлик, демократик ва қонунийлик принципларнинг намоён бўлиши шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқнинг қай даражада амалда шаклланганлигига боғлиқ ҳисобланади. Жиноят-процессуал функцияларидан бири бўлган жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги принципи давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик нуқтаи назарга мос тарзда таъминлашда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг

15-моддасига мувофиқ жиноят аломатлари билан билан топилган ҳар бир ҳолат юзасидан прокурор, терговчи ва суриштирувчи ўз ваколатлари доирасида жиноят иши қўзғатиши шарт.

Муайян ҳолатда жиноят аломати бор ёки йўқлигини аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги қонуни асосан ишни судга қадар юритиш босқичидаги субъектлар қаторига янги тузилма сифатида киритилган терговга қадар текширув органларининг ўрни бекиёсдир. Чунки, терговга қадар текширувни ўтказишдан мақсад келиб тушган аризалар асосида ҳар бир ҳолатда жиноят аломати бор ёки йўқлигини аниқлаш ва шу асосида жиноят ишини қўзғатиш ёки рад этиш ҳисобланади.

Эндиликда биз терговга қадар текширув тушунчаси, унинг мақсад ва вазифаларига тўхталиб ўтамиз.

Терговга қадар текширув деб жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини бажаришга қаратилган, Жиноят-процессуал кодекс билан тартибга солинган, терговга қадар текширув органлари томонидан жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зарар қопланишини таъминлаш учун жиноят иши бўйича кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш фаолиятдан иборат судга қадар иш юритишнинг алоҳида шаклига айтилади . Бошқача қилиб айтганда, терговга қадар текширув – бу содир этилган ёки тайёргарлик кўриляётган жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни текшириш юзасидан олиб бориладиган ҳаракатлар мажмуи.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг

3202-моддасида терговга қадар текширувни ўтказишнинг ҳуқуқий асоси келтириб ўтилган бўлиб, унга кўра жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни

текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига оладиган ҳаракатларга терговга қадар текширув дейилади.

Терговга қадар текширув ўтказиш деганда жиноят ҳақидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотни рўйхатга олиш ҳамда жиноят ишини қўзғатиш сабаби қонунийлигини ва асослар мавжудлигини аниқлаш мақсадида айрим тергов ва процессуал ҳаракатларни бажариш, олинган ёки аниқланган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда тегишли қарор қабул қилиш жараёни тушунилади.

Терговга қадар текширув ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ариза, хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш;
- аризалар ва хабарларни текшириш, ҳал этиш ва унинг муддатларига риоя этиш;
- текширув натижалари ҳақида хабар бериш;
- ушланган шахс ҳуқуқлари (қонунийлик)ни тўлиқ таъминлаш.

Мазкур ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 3202-моддасига кўра ушбу кодекснинг 391-моддасида келтириб ўтилган органлар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ терговга қадар текширув фаолияти юқоридаги субъектлардан ташқари суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Терговга қадар текширув жиноят процессидаги энг муҳим институт ҳисобланади. Чунки айнан мана шу институтда ўтказилиши лозим бўлган бир нечта тергов ҳамда процессуал ҳаракатлар асосида жиноят ҳодисаси содир этилганлиги тўғрисидаги ариза ва хабарлар синчиклаб текширилиб ва атрофлича ўрганилиб, уларга ҳуқуқий баҳо берилади. Текширувларнинг якуни бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

- жиноят ишини қўзғатиш;
- жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш;
- келиб тушган ариза ёки хабарда жиноят эмас балки, маъмурий ёки бошқа хил турдаги ҳуқуқбузарлик мавжуд бўлса, ушбу ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга тегишлилиги бўйича юбориш.

Терговга қадар текширув кўп маънога эга тушунча ҳисобланиб, уни амалга ошириш жараёнида жиноят ишини қўзғатиш, уни қўзғатишни рад этиш масалалари ҳал этилади. Бундан ташқари мазкур тушунча терговга қадар текширув тўпланган материаллар юзасидан жиноий қилмиш мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлашга йўналтирилган тергов ҳаракатларини амалга оширишга нисбатан ҳам тадбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентабрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Қонунинг қабул қилиниши терговга қадар текширув фаолиятини жиноят процессида алоҳида институт сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур институтнинг ҳам жиноят процессидаги бошқа институтлар каби ўзига хос мустақил процессуал вазифалари мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодексига мувофиқ, келиб тушган хабарда жиноят аломатлари

мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, тайёрланаётган ёки содир этилиши режалаштирилган жиноятлар ҳақида етарлича маълумотлар тўплаш ва жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини қўзғатишни рад етиш каби асосий вазифалардир.

Терговга қадар текширувни ўтказишдан мақсад фуқароларнинг, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ва давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари жиноий тажавузлардан ҳимоя қилиш ва ушбу фаолият натижасида шахс, жамият ва давлатга етказилган зарарни ундириш чоралари кўриш ҳисобланади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси “Суриштируви нституту такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/3328284> Мурожаат этилган сана 02.04.2022йил;
2. Рашидов Б. Н. Терговга қадар текширув: Маърузалар курси / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2018. – 61 б.;
3. Терговга қадар текширувни юритиш: Ўқув-амалий қўлланма /Тузувчи-муаллифлар: И.Ж. Бабамурадов, Б.Э. Бердиалиев, М.А. Саттаров, А.А. Султонов; Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-майор П.Р.Бобожоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Академия ноширлик;
4. Ўзбекистон Республикаси «Суриштирув институту такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/3328284>. Мурожаат этилган сана 04.04.2022 йил.